

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 26 (65853)
1995 йил, 18 июль, сешанба

Сотувда эркин нархда

МУХАРРИР МИНБАРИ

Дарахт-дарахтга, одам-одамга суюнади

Болалик умрининг узунлигини биласизми? Вақт келади, ёшингизга ёш қўшилади-ю, аммо ҳатто тушларингизда ҳам болаликка қайтасиз. Болалик хотираларининг кенглигини, дунёларга тенглигини англайсиз. Сиз ҳозир тезроқ катта бўла қолсам деяписиз. Негадир катта бўлишингиз кечикаётгандай. Аммо ёшингизга ёш қўшилгани сари турмуш икир-чикирлари билан банд бўлиб, вақтингиз етишмаётгандай, нақдингизни бой бераётгандай, кунларингиз қисқариб, тунларингиз кўз очиб юмгунча утиб кетаётгандай бўлаверади...

Шунинг учун сиз ҳамма нарса бугун ҳал бўлар, деб яшанг!

Сиз ҳозиргина уйқудан турдингиз, қўлингизга сеvimли газетангиз етиб келди. Қувноқ куй-қўшиқлар билан қаршилаётган кунингиз индаллосида уни ўқий бошладингиз.

Кунлардан бир кун одамлар мунаажимдан осмонда нечта юлдуз бор деб сўрашибди. 281013 та деб жавоб берибди мунаажим. Ҳақиқатан ҳам юлдузлар 281013 тами, деб ҳайрон бўлишибди одамлар. Ишонмасангизлар ўзинглар сананглар, — деб жавоб берибди мунаажим.

Ҳайрон бўлманг, уйқутираб турган болаларга шундай ғалати, ажабтовур гапларни айтиш кифоя. Уйғониб кетишади. Айниқса, улар туполончи бўлишса!

Туполончилар уз-узидан маълум, бақувват, куч-қудрати кўпчиликни лол қолдирадиган болалардир. Ишонмасангиз, ён-верингиздаги туполончи, қулоқсиз болаларга бир назар ташланг, уларнинг аксарияти тоғни урса талқон қилади. Бамисоли қайсар от каби дуч келган тарафга югуришади. Уларни тўғри йўлга солиши, яъни «совутиб олиш» эса тўғри муомалани, эътиборлиликни талаб қилади.

Шоҳ Хусравдан ўғилларингиздан қайси бирини кўпроқ сеvasиз, деб сўрашганда, тартиб-интизомга риоя қиладиганини, орномусини кўз-қорачиғидай сақлайдиганини, жамиятда олий рутбани ишғол қилиш учун ҳамisha жон куйдирадиган ўғлимни яхши кўраман, деб айтган экан.

Мамлакатимизнинг келажаги баркамол ўғил-қизларига боғлиқдир. Шундай экан, азиз болалар, такрорланмас умр сўқмоқларида елиб-югуриб ўзлигини яратаётган ўғил-қизлар сеvimли фарзанд бўлишингиз учун хислатингизга хислат қўшиб, фазилат топинг. Атрофингизга қаранг, сиз учун яратилган, сизга аталган, фақат сизга, сизгагина хизмат қиламан деб турган қудратли машиналару болга тўлган боғу роғлар. Уларни асраш ҳам, осмонупар биноларнинг кўркемчилигини сақлаш ҳам, нигоҳларин-

гизнинг гузаллик қидириб, гузалликка топиши ҳам — узингизга боғлиқ.

Бир подшоҳ ўзига вазирликка мўлжаллаган одамни синамоқчи бўлибди ва узоқ йўлда, чўлу биёбонда унга ҳамроҳ бўлиб ош-овқат берибди. У одам очликдан, сувсизликдан хориган эмасми, подшоҳнинг инъомидан шод бўлиб, тезда уларни емоққа тутинибди. Подшоҳ иккинчи — кўримсизгина одамни ҳам ушандай сийлабди. У одам эса гарчанд ҳамроҳидай очикқан, сувсаган бўлса-да, дастлаб утирар жойини эпқага келтирибди. Нонларни бурдалаб, ўзига чиройли дастурхон тузатибди ва шовилмайгина узини зиёфат қилибди. Дарҳол англагандирсиз, подшоҳ кимни ўзига вазир қилиб олганини!

Ҳа, тангри гузалдир, у гузаликни ёқтиради. Дунёга меҳмон янглиг келиб кетар эканмиз, ўзимизни меҳмон билайлик. Меҳмон қилайлик. Ҳам ўзимизнинг, ҳам ўзгаларнинг иззатини қилишимиз учун, дид билан, фаросат билан яшашга интилайлик. Эҳтимол, кўзимизга узоқда илиниб турган қандайдир чодра хунук куринар, ёнимизда оқаётган ариқчанинг қирғоқларида қовжираган қиёқлар бордир, дераза пардалари қийшайибдими, эшик туткичи қирланибдими... Хуллас кўзга хунук ташланган нарсаларни йўл-йўлакай бартараф қилиб борсак — оламимиз гулистон бўлади.

Азиз болалар, келинлар биргалашиб ишга киришайлик. Газетамизнинг ушбу сонини азим пойтахтимиз Тошкентнинг гузаллиги, озодалиги учун бағишладик. Ютуқларимиз ўзимизники, аммо камчиликларимиз кам бўлсада кўзга яққол ташланадиган камчиликларимиз бор экан, уларни очиб ташлашдан чўчимайлик. Дарахт-дарахтга суюниб-боғу роғлар ҳосил қилади. Одам — одамга суюниб одам бўлади, одамлигини билади. Сизлар ишга киришсанглар нафақат хонадонимиз, кўча ва йулақларимиз гузаллашди балки бутун юртимиз, дийримиз саранжом-саришталикда, батартибликда кўрган кўзларни кўзнатади.

Қувнаб яшамоқ учун, қувониб бир-бировга соғлиқ-саломатлик тиламоқ учун — бирозгина эътибор керак, бирозгина сезгирлик ва энг асосийси — ИНСОН эканлигини тушунмоқ керак!

Тўрт йиллигини нишонлашга шошилаётган она юртимизнинг ҳар гўшаси гузал ва чароғон бўлсин. Кейинги сонларда азим шаҳарларимиз, гузал қишлоқларимизнинг бугунги кўни, кўриши ва ободонлиги ҳақида сўз юритамиз. Бунинг учун сизлардан келадиган хат-хабарларга суюнишимиз аниқ.

Ёзинг! Қўнғирок қилинг! Келиб, меҳмонимиз булинг.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Туркия Бош вазири Тансу Чилер расмий ташриф билан мамлакатимизда будди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Туркиянинг «Коч Холдинг А.Ш.» компаниялари туруҳи президенти ва ижрочи директори Инан Кирач бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Шунингдек, юртбошимиз Америка Қўшма Штатларининг халқаро ривожланиш буйича агентлиги раҳбари уринбосари Томас Дайнни қабул қилди. Сўхбат чоғида иқтисод, сиёсат, молия, экология ва соғлиқни сақлаш соҳалардаги узаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида сўхбатлашиб олинди.


Пойтахтимизда мактаб ўқувчилари уртасида шаҳар спартакиадаси уз ниҳоясига етди. Унда Чилонзор, Юнусобод, Улўзбек туманларидан қатнашган мактаб ўқувчилари совринли уринларни эгаллашди.

Ургутда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Туркия миллий таълим вазирликлари ташаббуси билан ташкил этилган ўзбек-турк лицейи иш бошлади.

Урганч шаҳридаги 12-мактабда Амир Темураваллудининг 660 йиллигига бағишланган вилоят халқ таълими ходимлари билан мактаб ўқувчилари учрашуви бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар соҳибқирон ҳаёти, фаолияти ҳақидаги маълумотлар билан танишдилар.

Шаҳрисабздаги пиллачилик фабрикасида корхона ишчиларининг 61 нафар фарзандининг мучал туйи утказилди. Болаларнинг ҳар бири номига жамгарма банкида омонат дафтарчалари очилиб, минг сумдан пул қўйилди.

Болажонлар ҳел зерикимшмайди. Ҳар аравада бобосининг ёнма ўтириб олиб шаҳар ерда, ҳар қандай шароитда ҳам ўзларига кўзади, кимдир дўсти билан куй синашади, яна ўзини топиб олишади. Кимдир от кимлардир «ҳа, бафакалла» дея қарсак талади.



Эҳ, маъзасан, БОЛАЛИК!


ОЗОДАЛИГИНГ — САЛОМАТЛИГИНГ

Пойтахтимиз Тошкентни Шарқнинг дарвозаси, деб аташади. Шундай экан, шаҳримизнинг куркамлиги, озодалиги ва саранжом-сарипшталлиги учун кураш — ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Қадрли угил-қизларимиз!

Сизу биз пойтахтимиз гузалликларини куз қорачигидек асраётимизми? Шаҳримиз куркига доғ бўлиб тушаётган, қўнчилигимиз қуриб, қурмасликка қўлаётган айрим нуқсонларни тугатиш вақти келмадимикан?!

Талайгина кучаларимиз ёқасида қўн қаватли иморатлар



жойлашган гузарларда, маҳаллаларда, бозорларимизда, трамвай-троллейбус, автобусларнинг тухташ жойларида ахлатлар уюми тупланиб ётиши ҳеч кимга сир эмас. Ачинарлиси шундаки, биз шаҳарликлар бундай ҳолатларга кўникиб ҳам қолганмиз. «Керак булса, ахлат ташийдиган машиналар олиб кетишар», дея лоқайд қўл сийтаймиз.

Ахир бундай антисанитария ҳолатлар қўнлаб муаммолар келтириб чиқаради: экология бузилади, турли-туман касалликлар тарқалади. Наҳотки бу нарсалар бизни ташвишга солмас! Ахир биз соғлом авлод-соғлом келажак учун курашаётган мустақил давлатимиз-ку!

Ҳаммамизга яхши маълумки, баҳор ойларида шаҳримизда қўнлабзорлаштириш ойлиги ўтказилади. Ҳашарлар уюштирамиз, карнай-сурнай салолари остида дарахтлар экамиз, (йилда бир маротаба!) Шу билан иш тамом! Экан дарахтларимиз қўнларимиз, йўқми бу билан ишимиз йўқ. Умид билан экилган минглаб дарахтларимиз (шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармасидаги мутасадди кишиларимиз вақтинча-мавсумий иш-лашадими, деймиз) ой ўтмасдан қўриқ бошлайди, парвариш йўқлиги, сувсизликдан саратон қўрмай хазон бўлишади. Экилаётган кучатлар — дарахтлар, гуллар текинга келмаётганлиги, аниқ-ку! Қолаверса, қўнлабзорлаштириш учун ажратилган майдонларимиз ростдан ҳам яшнаб турса, инсон учун муқобил экологик шароит яратилади. Қолаверса, ям-яшил гулзорлар, боғ-роғлар — шаҳримиз куркига қўрқ.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич утиллаётган ҳозирги шароитда халқимиз орасида ишбилармонлик, талбиркорлик ривожланиб бормоқда. Бу жуда яхши. Ишбилармон, ҳар бир ишга ижодий ёндошадиган ёшларимиз қўнлаб, нур устига нур. Ўз-ўзидан, тижорат, қишлоқ хўжалиги, миллий ҳунармандчилик билан шугулланиш учун янада кенгроқ имкониятлар яратилмоқда.

Айни таътил кўнларида куча-қўнларда мол-ҳол боқаятган ёки кичик-кичик қўнлар устига турли хил чет эл ширинликлари, сигареталар қўйиб сотиб утирган болаларни қўнлаб учратамиз. Бундай ишлар халқ саломатлигига зиён етказмайдиган тарзда қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Аммо мол боқадиган болалар тупланиб олишиб қарта уйинига берилиб кетишади, молларини эса ям-яшил хибоблар, чорраҳалар, қўнлабзорларга қўнлаб қўйишади. Йўл ёқаларида, гузарларда тижорат деб, майда савдогарчилик билан шугулланадиган болалар ўзларидан кейин жуда қўнлаб ахлатлар қўндириб кетишади. Танбеҳ бергудек бўлсангиз, басма-бас олишишади.

Ҳар биримиз эрта тонгданок хуш кайфият билан хизматга отланамиз. Транспортлар тухташ жойларидаги ахлатлар



уюминни қўриб, дилимиз хуфтон бўлади. Ҳаттоки шаҳримиз курки бўлмиш мустақиллик майдонида ҳам ҳар 10 метр оралигида ахлатлар уюм-уюм бўлиб ётади.

Азиз болажонлар! Тошкентимиз — ҳар биримизнинг қадрдон гушамиз. Уни Ўзбекистонимизнинг қўнгулдаги аксига қўнлашамиз мумкин. Чунки, ҳар кўн шаҳримизга қанчадан-қанча меҳмонлар келиб кетади. Хорижий давлатлардан келган меҳмонларни ҳам бағрикенглик билан қарши оламиз. Улар шаҳримизнинг куркамлиги-ю озодалигига қараб сизу бизга баҳо беришади. Шундай экан, сиз болажонларга, қолаверса, барча ТОШКЕНТЛИКЛАРГА қарата мурожаат қиламиз:

шаҳар ва туман ҳокимликларидаги мутасадди кишилар маҳаллаларга, массивларга бориб, аҳоли билан тез-тез «жонли мулоқот»лар ўтказиб туришса;

маҳаллалар ва массивларда туманлараро, ҳудудлараро «Озодагарчилик — соғлом авлод гарови» ойликлари ўтказилса, «Озода куча», «Озода маҳалла», «Озода хонадон», «Озода туман» мусобақалари ташкил қилинса;

Ота-оналаримиз, тарбиячи ва мураббийларимиз фарзандларимизга нафақат ўз уйларини, куча ва маҳаллаларини, таълим-тарбия оладиган масканлари-боғча ва мактабларини ҳам озода сақлашлари лозимлигини ёшликданок ургата боришса. Ахир, озодалигимиз — саломатлигимиздир шундай эмасми?

ИКРОМОВА ҲАБИБА ЗУФАР ҚИЗИ,
техника фанлари доктори, профессор.
АЗИМЖОНОВА МАТЛУБА МАҲАМАДЖОН
қизи, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

«Жуда қўн мамлакатларда бўлганман, гузаллиги, ҳавосининг мусаффолиги, бойлиги билан дунёни дол қўндирган шаҳарларни кездим. Аммо ҳеч бирини она Ўзбекистоним, қадрдон Тошкентимга ўхшата олмадим. Қўн ўтган сайин юртимни соғинардим. Унинг ҳатто тошли йўлларини, чанг ва тўнроқ кучаларини ҳам ич-ичимдан қўнсаб унга талшлардим» деди бир дунё кезган олима аёл қўнларига ёш тулиб.

Ана шунақа. Она юртини барча инсонлар бирдек севади. «Она юртинг — олтин бешигинг» деб бекорга айтишмаганда.

Бу гапларни айтишдан мақсад, ўз шаҳрини яхши қўриш — демак унинг тозаллиги, куркамлиги, соф ҳавосини сақлаш, унинг қадрини етиш демакдир. Қани, бу ҳақда, унинг келажакдаги эгалари — болалар нима деркин?

УЛАР НАМУНАЛИИ УЙДА ЯШАЙДИ

Умид ХАБИБУЛЛИН, Мирзо Улугбек тумани, Новомосковская кўчаси:

Шимоллий темирйўл вокзалидан эккаватор заводи томон қатнайдиغان 5 сонли троллейбусда борар экансиз, «Москва» кинотеатри рўпарасидаги қатор қўн қаватли уйларнинг ҳар бирига «Тартибли, намуна бўлгучи уй» деб ёзиб ёки олиб қўйилганини қўрасиз. Ишонсангиз, худди ана шу ёзув қўндан буюн диққатимни тортиб келади. Мен улардан бирортасига кириб қўрмаган бўлсам-да, ташқариданок билинади: дераза ойналари ярақлайди, ҳатто дарпардаларигача қандайдир бошқа жойлардагига ўхшамаган озода, охорланган, дазмолланган, ташқи деворларда ҳам гард қўрмайсиз, баъзи қўн

қаватли уйларнинг атрофидаги сингари уюлиб ётган чиқиндиларга асло қўн-гиз тушмайди. Бир кўн денг, қўнқимда, шу уйларга кириб чиқувчиларни атайлаб қўнатдим. Ҳамма қатори оддий инсонлар. Эрталаб шошилиб ишга жўншади, кечқурун бўлса, қатта-қатта турхалгаларда рўзғорбоп нарсалар қўтариб уйга қайтишади. Ҳа, айтгандай, улар

тозаловчи аёлни ёллашди. Бироқ, унинг иши одамларни қўнқитирмаси-да иложсиз чидашди. Ҳаш-паш дегунча янаикки ой ўтди. Ниҳоят Хайри хола соғайиб ўз уйига қайтди. Яна ўз севган машғулоти бажара бошлади. Аввал ҳар бир қаватдаги ишлар (урғумчак инлари)ни тозалади, кейин зина деворларини, тутқичларни совузли латта билан

ларнинг қўнқилиши қамайиб кетди ми ёки бўлмаса яна бошқа ишлар чиқиб қўлдими ҳар ҳолда улар фаолияти қўн-га ташланмаяпти. Қани энди уша гуруҳлар ишлари қайта тикланса.

ПҶУҚЛАР ЧИҚИНДИЛА АРАЛАНМАСА...

Шаҳноза БАҲРОМОВА:
Юнусобод тумани, 55-уй.

Ён қўннимиз биринчи қаватда яшагани сабабли қўн, сизир, қўн сингари жониворларни боқишади. Тозаликка доимо риоя қилганликлари учун уларнинг бу ишлари ҳеч кимга малол келмайди. Ҳатто ён атрофдаги қўн-қўнлар узларидан ортиб қўнган нон, овқат, турли сабзавотларнинг пўчоқлари ва бошқа нарсаларни уларникига чиқариб беришади. Бу нарсаларнинг эвазига сизир бор қўннимиз ҳам уларни баъзан сўт, қатиқ билан сийлаб туради. Аммо айтмоқчи бўлган гапимнинг асосийси бу эмас.

Биздан анчагина нарида иккита чиқинди ташланадиган жой бор. Ёз эмасми, улар бир кўн ташиб кетилмаса ҳам ёмон ҳид таратади. Бунинг боиси одамлар турли чиқиндиларга қўншиб турли сабзавот, мева, қўн-тарвуз пўчоқларини ҳам ташлайдилар. Мен бир неча бор уша қўннимизнинг болаларини пўчоқ, нон булакларини чиқиндилар ичидан ажратиб ювиб қўнларига берганини қўрганман. Шунинг учун ҳам менинг таклифим ана шунақа жойларга пўчоқ ва нонлар учун махсус идишлар ҳеч бўлмаса биттадан қўнйилса қандок бўларкин? Бу ҳам бир таклиф-да, шундай эмасми?

ТОШКЕНТЛИК БОЛАЛАР ДЕЙДИМАРКИ...

орасида баъзан ўзим танийдиган одамларни ҳам учратдим. Улар — артистлар эли.

ХАЙРИ ХОЛАЛАР ҚУЧАЙСИ

Мухайё АХМЕДОВА, Чилонзор тумани, 20-қўртал, 10-уй.

Амма яшайдиган уйнинг иккинчи қаватида Хайри хола исмли кекса онахон яшайди. У ҳафтада бир ёки икки марта уйдан чиқавришдаги зиналарни ювиб, артиб тозалайди. Бунинг учун унга ҳар бир хонадон эгаси маълум миқдорда пул беради.

Атайлаб мақташ эмасу хола ўз ишини шу қадар озода, шу қадар чиройли бажарадики, у ювиб чиққандан сўнг дарҳол қадам босишга тортинасиз.

Ёз кўнларининг бирида холанинг тоби қўчиб, қатта ўгли уни мажбуран ўз уйига олиб кетди. Ордан бир ойлар чамаси ўтгач, холанинг ўрни билина бошлади. Уйда яшовчилар тозалликка урганиб қўнлишган эмасми, пулга бошқа

арти. Ён охирида зиналарни ювиб чиқди. Ҳамма ишларига ўч челақ сув, яримта совун кетди. Булар ҳам майли. Сиз холанинг ўз уйини бир қўрсангиз эли. Қани энди Хайри холага ўхшаган инсонлар шаҳримизда жуда қўн бўлса...

ҚАНИ

УША ГУРУҲЛАР?

Сирожддин АЛИМОВ: Акмал Икромов тумани, «Қизил Шарқ» маҳалласи.

Авваллари ёз келди дегунча ҳар бир маҳаллада «ёш тежамкорлар», «озодаликнинг ёш дуслари» ва бошқа шу сингари гуруҳлар тузилиб, сувнинг, электр қўватининг бекорга сарф бўлишини олдини олиш, улкамизнинг яшил либосларини қўриб-қўнжираб қўнлишдан асраш, ноннинг исроф бўлишини олдини олиш ишларини бажаришар, кучалар, йўлаклар, ҳовли олдиларини тозаллиги, тартиби учун қўн олиб боришарди. Ҳозир эса билмайман, бола-

АНЪАНАЛАР ҚАЙТА ТИКЛАНСА...

Пойтахтимиз озодалигини таъминлашда Халқаро «Экосан» жамғармаси асосий мутасадди ташкилотлардан. Мазкур жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими директори Рамиз Муқимов билан қилган суҳбатимиз шахримиз озодалиги хусусида бўлди.

— Рамиз ака, шахримизнинг бугунги озодалиги аввалги йилларга нисбатан қай даражада ўзгарган?

— Тўғриси айтиш керак — шахримизнинг бугунги тозаллиги аввалги йилларга нисбатан мақтанарли даражада эмас. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Авваллари ҳар бир хонадонда чиқинди ташлайдиган махсус жой бўларди. Чиқинди ҳозиргидай кўчага чиқариб ташланмасди. Бугунги кунда кўпчилик ўз уйини тозаллаб ярақлатиб қўяди, аммо кўчасига эътибор бермайди. Ваҳоланки, кўча ҳам ўзимиз яшайдиган жой, юртимизнинг бир қисми.


— Шаҳримиз тозаллигини таъминлашда болалар иш-тироки қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Болалар ҳақида ўйлаганимда дилим биров ранжийди. Юртимизда соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ишлари авж олган. Аммо пойтахтимизнинг айрим жойларида болаларнинг ифлос сувларда чўмилаётганини, чиқинди уюмлари атрофида ўйнаб юганини куриш мумкин. Бунинг оқибатида уларда турли юқумли хасталиклар пайдо бўлиши мумкин. Илгарилари мактаб ўқувчиларининг яхши анъаналари буларди: ҳар йили баҳорда оммавий равишда кўчат экиш тадбири ўтказилар, кўчатлар униб дарраҳт ҳолига келгунча парваришланар эди. Ана шундай кўкаламзорлаштириш ишлари ҳозирда йўқолди ҳисоб. Яна бир анъана, болалар ўртасида макулатура—қоғоз чиқиндиларини йиғиш ишлари тез-тез ўтказиб туриларди. Бу тадбирнинг ижобий томони шундаки, биринчидан, йиғилган қоғозлар юртимиз саноати учун тайёр хом ашё, иккинчидан, йиғиб топширилган макулатура учун болаларга пул туланади, учинчидан, чиқинди камаяди.

— Ҳозирги пайтда асосан нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Ҳозир айна ёз палласи. Шу боисдан офтоб тигида қуриб сарғайиб қолган ўтларни ёқиб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу иш албатта болалар томонидан содир этилаётир. Ҳолбуки, ушбу нохуш ҳолат шахримиз ҳавосининг бузилишига, қолаверса ёнғин содир бўлишига олиб келиши аҳтимолдан холи эмас. Ҳозир шахримиздаги айрим мактаблар қошида болаларнинг дам олиш масканлари ташкил этилган. У ерлардаги «Ёш табиатшунослар» тугарагида гербарий тайёрлаш ишлари олиб борилади. Менга қолса, ўсимликларга зиён етказиш ҳисобига бундай ишларни қилмасликларини, ўсимликни тирик ҳолида ўрганишларини тавсия қилардим. Бир сўз билан айтганда шахримиз тозаллигини таъминлаш, унинг табиатини асраб авайлашда болалар кучи билан салмоқли ишлар қилиш мумкин.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ
ёзиб олди.



Булбул сайрашини эшитганмисиз? Мен эса эшитмаганман. Аммо дадам эшитган эканлар. У киши ёшлик чоғларида ўз тенгқурлари билан шаҳар ташқарисига мол ва қуйларни утлатгани чиқишар экан. У ерда қалин дарраҳтзор бўлиб ушадан булбул сайроғи эшитиларкан. Унинг майин, ёқимли овози атрофни тутганда қуй боқувчи болалар тинчлик сақлаб мириқиб тинглашар экан.

Ушадан жой бугунги кунда пойтахтимизга қушилиб кетган. Аммо булбулнинг ёқимли сайроғини у ерда энди эшитмайсиз. Дадамнинг айтишларича, булбул шаҳарни аллақачон ташлаб кетган эмиш. Бунинг боиси, одамлар томонидан шахри-

мизнинг бениҳоя ифлослантириб юборилгани, шунинг натижасида ҳавонинг тоза эмаслиги экан. Демак биз ўзимизнинг шахримиз тозаллигини сақлаш ишига булган лоқайдлигимиз туфайли булбулни ҳайдаб чиқарган эканмиз-да.

Булбул сайроғини эшитгим келади. Шундай пайтларда оламга «Ҳой булбул, илтимос, шахримизга қайтиб кел, биз энди уни доимо тоза тутишга ваъда берамиз» дея ҳайқирсам дейман. Аммо булбул овозимни эшитармикан?

Ўқтам МУРОДОВ.
Тошкент шаҳар Шайхонтохур
туманидаги 84-мактабнинг 8-синф
ўқувчиси.

БУЛБУЛ ҚАЙТИБ КЕЛАРМИКАН?

Шифокор маслаҳати

ЧўМИЛИШ ФОЙДАЛИ, АММО...

Ёзнинг иссиқ кунлари очик сув ҳавзаларида маза қилиб чўмилишга не етсин. Бугунги кунда шахримиздаги деярли ҳар бир фавворада болалар чўмилаётганини куриш мумкин. Тўғри, ёзда чўмилиш танани чиниқтиради. Лекин фаввора сувлари ҳар доим ҳам тоза булавермайди. Болалар сувдан чиққач, баданларини кўёшда тоблаш мақсадида фаввора атрофидаги асфальтларда ётадилар. Бу ерлар эса кўпгина касалликларни, шу жумладан юқумли ошқозон-ичак хасталикларини чақирувчи микроблар билан ифлосланган бўлади. Бундай микробларни баданига илаштириб олган бола яна фаввора сувида чўмилиб уни ифлослайди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, фаввора сувлари маълум кимёвий моддалар (хлорли оҳак, хло-




рмин ва ҳоказо) билан ўз вақтида заррарсизлантириб турилмайди. Натижада кун сайин фаввора сувининг юқумлилик даражаси ортиб боради. Чўмилаётган болаларнинг сони қанчалик кўп бўлса бу даража шунчалик юқори бўлади.

Бундан ташқари болалар орасида касаллик белгилари намоён бўлмаган, ташқи кўринишидан соғлом, лекин микроб ташиб юрувчи болалар ҳам бўлиши мумкин. Улар ўзи билмаган ҳолда фаввора сувларини юқумли касаллик микроблари билан ифлослантиришади.

Қолаверса фавворалар аҳолининг маданий дам оладиган жойларига, туман марказларига, санъат масканлари, катта корхона ва муассаса олдиларига, марказий майдонларга қурилади. Бундай ерларни болалар шовқин-суронли чўмилиш масканларига айлантиришлари тўғримикиан?

Бахтиёр РАСУЛОВ,
тиббиёт фанлари номзоди,
доцент, санитария
шифокори.



Б У В И М Н И Н Г

Бувим қишлоқда яшайдилар. Ҳар сафар ёзда бизни келиб, уч-тўрт кун туриб кетадилар. Бу сафар галати воқеа юз берди. Бувим келган кунларининг эртаси тонгда барвақт туриб ҳовли ва уйимиз атрофини супура бошладим. Уйимиз ёнидаги ариқ бўйлаб сув оқади. Ариқ лабини сувга томон супураётим, бувимнинг уйдан чиқиб келганларини сезмай қолибман.

— Ҳай-ҳай, бувинг ўргилсин, нима қилаяпсан, ахир бу сув-ку, — дея ёнимга келиб қўлимдан супургини олдилар.

— Сув бўлса нима бўлибди, бувижон, — дедим. ҳайратланиб.

— Сув — бу ҳаёт, яъни тириклик. Уни ифлослантириш катта гуноҳ бўтам.

Кечки овқатдан сўнг бувимнинг ёнларига утирдим. Анча вақт гаплашиб қолдик. Бувимнинг айтишларича илгарилари маҳаллалардаги ҳар бир ҳовлидан кичик-кичик ариқлар утар экан. Аммо улар сира ифлос бўлмас, ҳатто ариқ сувидан

ичилар экан. Оналар қизларига ҳовлини супурганда ариқ лабидан бошлаб тескари томонга қараб супуришни ўргатишар экан. Қўл ювилса ҳам ювинди сув ариққа тўкилмас экан. Ҳар бир ҳовлида алоҳида кир ўра ва чиқинди ўра мавжуд бўлган. Кир ўрага мағзава, чиқинди ўрага чиқинди ташланар экан.

— Илгарилари хонадонлардан ахлат деярлик чиқмасди, деса бўлади, — дедилар бувим. — Ҳазон, пўчоқувол қилинмасин учун молларга бериларди. Шох-шаббалар ёқиб юбориларди, тупроқ эса ерга солинарди. Синган ойна, чинни парчалари ўрага ташланарди.

Зим-зиё осмонга тўлин ой чиқди. Уйғонганимда зилол сувли ариқдан қониб-қониб сув ичсам дея, бувимнинг угитлари ҳаёлимни банд қилганча уйқуга кетдим.

Малика ҲИДОЯТОВА,
Тошкент шаҳридаги 124-
мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Ў Г И Т П А Р И

ДОНОЛАР БИСОТИДАН...

Табиатнинг беқиёслигини тан олмақ керак. Кишининг қанчалик соғлом, носоғлом бўлиши ҳаво, иқлим ва яшаш тарзига боғлиқдир.

Абу Бакр Розий.

xxx

Одамнинг саломатлиги ташқи шароит билан чамбарчас боғланган.

Абу Али ибн Сино.

xxx

Балиққа сув, паррандага осмон, ҳайвонга ўрмон, дашт, тоғ, одамга эса Ватан керак. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш — ватани муҳофаза қилиш демақдир.

Чингиз Айтматов.

xxx

Одамлар тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ер — одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир.

Абу Райҳон Беруний.

Йиллаб тоза ҳаводан, офтоб тафтидан, яхши таомлардан маҳрум бўлиб юрган киши охири бориб бирор дардга чалиниб қолади.

Ҳинд манбаларидан.

xxx

Ҳар ким ўз турган ерига гул экса, бутун олам гулзорга айланади.

А. Чехов.

Табиатни асраб авайлаш атроф-муҳит озодалигига риоя қилиш билан чекланиб қолмайди. Усимлик ва ҳайвонот дунёсига меҳр-муҳаббатли бўлиш ҳам лозим. Бу борада буюк шоиримиз Алишер Навоий ҳаётидан олинган лавҳалар ибратлидир.

ҒУРРАК

Алишер Навоий бир қиш Марв шаҳрида катта лашкар билан қишлаганларида у кишининг чодирларига бир ғуррак ин қуриб тухум ҳам қўйди. Бироз вақт ўтгач, лашкар Ҳирот пойтахтига йўналмоқчи бўлди. Қуш эса ҳали тухумини очмаган эди. Шунда Алишер Навоий қуш тухум очиб болаларини учирма қилгунча чодирни қимирлатмай шундай қолдиришни тайинлади. Ҳасан Бахтиёр исмли хожага чодирни муҳофаза қилиб туришни ва ғуррак болаларини учирма қилганидан сўнг хизмат ҳақи учун чодирни узига олиб кетишни буюрди. Хожа ҳам бу ишни қабул қилиб, қуш болаларини парваришлаб учирма қилгунча кузатиб турди.

ШАФҚАТ — ЭНГ УЛУҒ ФАЗИЛАТ

ЧУМОЛИ

Бир кун Навоий аср намозини адо қилгандан сўнг қутилмаганда тезликда узининг хусусий боғчасига қараб йўл олди. Буни куриб одамлар ҳайрон бўлишди. Шоир боғчадан қайтиб келгач одамлар бундай тезкор воқеа нима экан дея ундан сурашди.

— Мен масжидга

келаётганимда фалон жойда таҳорат қилган эдим, — деди Навоий, — намоз

вақтида елкамда юрган бир чумолини кўрдим. Билдимки, таҳорат қилган жойимда у менга илашган экан. Мабодо у менинг елкамдан тушиб озор топса ва ўз уясининг йулидан адашса увологи қоламан деб кўрдим. Шунинг учун намоздан кейин тезлик билан таҳорат олган жойга бориб, уни уяси оғзига қўйдим ва озор етказиш ташвишидан қутулдим.

Бу гапларни эшитган одамлар шоирнинг раҳмдиллигига қойил қолишган экан.

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ

Кеча уйимизга холажоним келдилар. Ҳар галгидек салом-алиқдан сўнг подъездларимиз атрофининг топ-тозалигидан хурсанд бўлиб мақтадилар. Мақтовни эшитдим, бу гаплар менга ҳам қисман тегишли эканлигини ҳис қилдим. Сабаби, ака-опаларимга қўшилиб мен ҳам доим уйимиз атрофини, уйингоҳларимизни супуриб, тозалаб туришда ёрдамлашаман.

Холажонимнинг бизга ҳавас қилганларича борда. Чунки, улар яшайдиган уйлар атрофлари жуда ифлос бўлиб ётади. На катталар, на биз каби кичиклар тозалаб туришмайди. Мана шундай чиқиндиларга тўлиб ётган кўп қаватли уйларда яшайдиган болаларга қарата «биз томонларга бир келиб кетинг» дегим келади.

**Искандар ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳри, Зебо
Шамсутдинова кўчаси.**

**Асил киши олтин деб
ўлмас,
Халқим деб ўлар.**

**Бирнинг куни эл билан,
Элнинг куни ер билан.**

**Она юртнинг ери жаннат,
Суви — шарбат.**

**Халқ ёққан чироқни ўчиришга уринганинг соқоли
куяди.**

**Элни танимаган, элга
бош бўлмас.**

**Бақа лойқа ер излайди,
Ялқов ёғли ер излайди.**

**Татарчадан Бахриддин
ТУРҒУНОВ
таржимаси**

ҲАҚ ГАП ҲАҚИҚДАН ҚИММАТ

Пахлавон Юпитер чулоқ фарзанд кўрган. Ҳайрон бўлган Юпитер бунинг сабабини суриштирган. Донишмандлар бир оғиздан «фарзанднинг кайф устида орттиргансан» дейишган. Шуну римликлар орасида уттиз ёшгача ичиш қатъий манъ қилинган. Чунки бу ёшгача киши соғлом фарзанд кўриши керак дейилади. Шу ваздан, никоҳ кўни кўв билан келинга спиртли ичимлик берилмайди.

Спиртли ичимлик истеъмол қилганларнинг 16-17 фоизида иш унумдорлиги пасаяди, 20 фоизи оилавий қўйди-чиқдига сабаб бўлади. Жиноятларнинг 85 фоизи, безориликнинг 90 фоизи, қотилликнинг 70 фоизи, куча фожиаларининг 47 фоизи, уйдаги фалокатларнинг 20 фоизи, корхонадаги бахтсиз ҳодисаларнинг 45 фоизи мастликда содир бўлади.

Савдогарлар бозорга биринчи марта тамакини олиб келганда бир доно одамларга: «Тамаки соғлиқ учун зарар келтиради», — деб айтган экан, бозор касод бўлиб, тамакини ҳеч ким олмай қўйибди. Бундан норози бўлган савдогарлар тамаки ҳақида ўз фикрини узгартиришни донодан илтимос қилибди. Шунда доно: «Ҳалойиқ! Тамаки чекканларни ит қопмайди, уйига угри тушмайди, қаримайди», — дебди.

Дустлари донодан:

«Бу нима деганингиз, олдин тамаки кўни зарар, чекманг, деган эдингиз-ку», — деб сурашибди. Доно: «Тамаки чеккан киши ҳассага таяниб қолади, ҳассаликишини ит қопмайди. Чеккан одам доим йўталлади, угри уй эгаси бедор экан деб қирмайди, чеккан одам қаримасданоқ ёш олиб кетади», — дебди.



Ҳозирги таътил кунларида спорт майдончалари, ўйингоҳлар болалар билан гавжум. Футбол, баскетбол, волейбол каби спорт турлари айниқса ўғил болаларнинг жону-диллари. Ўйин бўлаётган жойда томошабинлар ҳам бўлиши тайин. Уларнинг ура-ураси, далдали нигоҳи ўйинни қизитгандан-қизитади. Бу — яхши албатта. Аммо ўйин тугагач, улардан кейин майдон қандай аҳволда қолади? Турли чиқиндилар, pista пўчоқлари-ю яна алланималар биланми ёки... Сиз бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

СИНФДОШЛАР

(Анограмма — мақлуб санъати)

Али ва Вали 5-синфда аъло баҳолар билан ўқийди. Синфдошлар барчаси аҳил ва қувноқ, жамоат ишларида урناк.

Али ва Валининг синфдошлари номлари қуйидаги сузларга яширинган. Анограмма — мақлуб суз санъати топишмоғи ёрдамида топишингиз мумкин.

Эслатма: анограмма — дегани бирор сузнинг ҳарфларини уринма-урин алмаштириб, бегона ҳарф қўшмасдан янги мустақил суз ҳосил қилиш демақдир.

1. Урта — 2. Имло — 3. Ужар — 4. Ҳосил — 5. Ваза — 6. Саҳна — 7. Мисол — 8. Ҳозир — 9. Зиён — 10. Фараз — 11. Зомин —

12. Рақам — 13. Замон — 14. Калима — 15. Мажол — 16. Туфли — 17. Аноргул — 18. Исбот — 19. Елим — 20. Иқбол — 21. Олис — 22. Сура — 23. Бажар — 24. Тизза — 25. Даҳа — 26. Ҳамда — 27. Малак — 28. Сада — 29. Ишора — 30. Доира — 31. Холис — 32. Манас —

Анвар МИРЗАЗОДА.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буяртма — Г 0301. 11.000 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўттиз тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25

